

## ПСИХОЛОГИЯДА СПОРТЧИ ФАОЛИЯТИДА МОТИВАЦИЯНИНГ АҲАМИЯТИ

Абдурасулов Р.А, Жиззах ДПИ Умумий  
психология кафедраси профессори в.б.

Дўнгбоева Эътибор, Педагогика ва  
психология йўналиши талабаси

**Аннотация.** Мазкур мақолада спортчи фаолиятида мотивациянинг ўрни ва аҳамияти борасидагиназарий қарашлар илмий жиҳатдан талқин қилинган.

**Калит сўз.** Спорт, спортчи, спорт фаолияти, мотив, мотивация.

Спортнинг олға қараб ривожланишида мотивация катта роль ўйнайди. Мотивация нафақат спортчи шахсининг асосий характеристикаси, балки унинг олдига қўйган мақсадига етакловчи асосий восита бўлиб, у спортчи спорт фаолиятининг барча жараёнларига ўзига хос тарзда таъсир ҳам кўрсата олади. Мотивациянинг яна бир муҳим хусусияти, унинг тўғридан-тўғри спорт натижасига таъсир кўрсатишидир. Кучли рақобат шароитида бор кучини сарф қиладиган ва охир-оқибат олдига қўйган мақсадига эришишни фақатгина аниқ мотивга ва намоён бўладиган мотивацияга эга бўлган спортчидан кутиш мумкин. Шу нарса ҳам катта аҳамиятга эгаки, маълум бир спортчининг мотивацияси хусусиятларини билмасдан туриб, уни юқори натижаларга эришишга амалий жиҳатдан муваффақиятли тайёрлаш мумкин эмас. Бу эса юқорида келтирилган фикрларнинг барчасини далиллайди. Шундай экан, замонавий спортда спортчида юқори спорт натижаларига эришиш мотивациясини шакллантириш жуда ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Тадқиқотчилар томонидан ўтган асрнинг бошларидаёқ мотив ҳақида бир қанча фикрлар билдирилган. Уларнинг фикрига кўра, спортчи фаолиятининг муваффақияти кўпроқ спортга бўлган истакнинг характери, яъни инсонни у ёки бу ҳаракатни бажаришига нима туртки бериши билан аниқланади. Шундан бери инсоннинг маълум бир режа асосида ҳаракат қилиши ёки фаолият кўрсатмаслик ҳолатини мотив деб атай бошлаганлар.

Инсоннинг у ёки бу ҳаракатни бажаришига нима туртки беради, кўп йиллар давомида унинг фаоллигини (ўқиш, спорт билан шуғулланиш) нима бошқаради, баъзан эса унинг бутун ҳаётини (меҳнат ва илмий фаолияти, санъат) нима белгилаб беради деган тушунча тадқиқотчиларни азалдан қизиқтириб келади. Унинг фаоллиги тушунчанинг моҳиятини тушуниш учун унинг сабабларини аниқлаш зарур, яъни ҳаракат, фаолият асосида ётадиган таъсир этувчи (қўзғатувчи) кучини очиш лозим.

Шу кунгача инсоннинг ҳаётий фаоллиги асосида ётувчи, уни қўзғатувчи кучни ҳодиса сифатида илмий таҳлил этиш ва интуитив фикрлашга кўпроқ ҳаракатлар бўлган. Масалан, А.Эйнштейн 1918 йилда ўзининг “Илмий тадқиқот мотивлари” номли илмий мақоласида одамларни илм билан шуғулланишларига нима туртки беришини аниқлашга ҳаракат қилган.

Инсон фаолиятида мотив муаммосининг долзарблиги кўриниб турганлигига қарамасдан, ушбу ҳодисани илмий таҳлил қилишга бўлган ҳаракат XX асрнинг ўрталарида бошланди (К.Юнг ва И.Майер). Кейинчалик бу муаммо бўйича кўплаб илмий ишлар олиб борилди, лекин ушбу муаммони тўлалигича ечишга эришиш имкони бўлмади, шу билан биргаликда бу ҳодисанинг моҳияти ҳақида ҳам аниқ бир тўхтамга келинмади. Чунки мотив атамаси ўта кенг маънодаги тушунчани ўз ичига қамраб олади. Масалан, А.Н.Леонтьев бу ҳолатга қуйидагича изоҳ беради: “Бу ҳолат менда шундай таассурот қолдирадики, ҳозир мотив тушунчаси катта қопга айланиб қолган, унда турли хил буюмлар бор. Мотив ёки мотив тушунчасини берадиган асослар ҳозирги кунда иштаҳа, таассурот, одатлар ва кўникмалар, истак, ҳиссиёт, қизиқишлар ёки бошқа аниқ мотивлар, масалан ҳузур қилиш, иззатталаблик кабилар билан номланади” [9].

Мотив тушунчаси доирасидаги ҳодиса ва жараёнларни айнан бир хил деб қараш қуйидагича изоҳланади. Инсон мотивларни тушуниб етмаслиги мумкин, шунинг учун субъектив баҳо беришда (кўпроқ шу асосда хулоса чиқарилади) кўшимча омил ҳам мотив деб қабул қилинади, бунга ҳиссиётни мисол қилиб олиш мумкин. Масалан, спортчи машғулотга боришни хоҳлама-япти, биз эса бу вазиятда “уни хоҳиши йўқ” деб айтамыз ва хоҳишни мотив тушунчаси билан тенглаштирамиз. Аслини олганда эса, хоҳиш - бу кўшимча омил бўлиб, ўша вазиятнинг субъектив кечинмасининг акс этиш ҳолатидир. Спортчининг машғулотга бормаганлик сабаби унинг чарчаганлиги, мураббий билан муносабатидаги салбий ҳолат ёки бошқа бир қизиқарлироқ машғулот билан боғлиқ бўлиши ҳам мумкин. Бошқача қилиб айтганда, инсонни хоҳиши бошқа бир омил бўлиб, биз умуман бошқа бир нарсани мотив сифатида қабул қилганмиз, аслида эса мотив сабаб эмас, балки оқибат ҳисобланади.

Масаланинг чалкашлигига қарамасдан мотив тушунчасига учта аниқ ифодаланган илмий нуқтаи назарни кўрсатиш мумкин. Биринчи нуқтаи назар вакиллари бўлган олимлар А.В.Петровский, Л.Б.Ительсон, К.К.Платонов ва бошқалар бўлиб, улар ушбу ҳодисани субъектнинг ички дунёсига тегишли ҳодиса сифатида қарайдилар. Кўпинча улар мотивни эҳтиёж билан бир хил деб ҳисоблайдилар. Л.Б.Ительсон инсонни ишлашга мажбур қиладиган мотив овқатланишга бўлган эҳтиёж ҳам бўлиши мумкин деб ҳисоблайди.

К.К.Платонов мотив тушунчасини унга субъектив муносабат чегарасидан чиқмасдан туриб бирмунча кенгайтирган ҳолда тасдиқлайдики, унинг фикрича, мотив-бу психик ҳодиса бўлиб, у инсонда унинг маълум бир фаолиятига нисбатан хоҳишни вужудга келтиради ва унда мотив сифатида психик жараёнлар ҳам, шахснинг хислат ва ҳолатлари ҳам иштирок этиши мумкин деб таъкидлайди. Шуни ҳам айтишимиз керакки, ушбу таърифда ҳам мотив эҳтиёж билан боғланмоқда. Замонавий инсон ҳаётида табиий эҳтиёжлар (овқат, кийим) маънавий эҳтиёжлар билан бирга муҳим рол ўйнайди. Лекин фақат эҳтиёжни ўзи мақсадга йўналтирилган фаолликни ташкил этиш учун етарли бўлмайди. Бу эса субъектив эҳтиёж кечинмаси билан боғлиқ

бўлиб, у фақат инсон фаоллигига замин яратади, фаолликни ҳаракатга келтирмайди ва бошланғич йўналиш бермайди.

Мотив тушунчасининг иккинчи нуқтаи назари чет эл тадқиқотчилари томонидан ҳам ўзига хос тарзда асосланади. Уларнинг фикрига кўра инсоннинг хоҳиши унинг ички омиллари билан боғлиқ ҳолда (масалан, эҳтиёж) мукофот ва жазолаш каби ташқи омиллари билан ҳам боғлиқ бўлиши мумкин деб айтадилар. Бу йўналишнинг тарафдорларидан бири бўлган С.Гранман эса бу борада қуйидагича фикр билдиради: “Мотивацияга қандай таъриф беришимиздан қатъий назар, уни ўрганиш бизни ҳатти-ҳаракатларимиз асосини ташкил этади, шу асосида вужудга келган ички ва ташқи омиллар эса бизни бу борада бошқача эмас, балки худди шундай ҳаракат қилишга ишонтиради, хоҳиш туғдиради ва мажбур қилади”. Бундан биз дуализмга хос бўлган чет эл психологларининг фикр-мулоҳазаларини кўришимиз мумкин. Бизнинг тушунишимизча улар инсон мотивациясини икки хил характерли эканлигини (объектив ёки субъектив) қайд этиш билан чегараланиб қоладилар. Лекин бу борадаги ушбу фикрда шундай чуқур методологик хато борки, бу эса инсонни бутун фаолиятини психик ва жисмонан тушунишни ва шу асосидан келиб чиқадиган психофизик параллелизмни узилишига олиб келиши мумкин.

Мотив тушунчасини учинчи нуқтаи назар тарафдорлари қуйидагича тушунадиларки, субъектнинг ҳаётида мотив ва унинг фаолияти ҳамда предмети сифатида юзага чиқадиган эҳтиёжларнинг объектив нарса ва ҳодисаларга субъектив муносабатидан келиб чиқиб баҳолайдилар. Бу ҳақида А.Н.Леонтьев шундай фикр билдиради: “Эҳтиёж ўз-ўзидан фаолиятнинг аниқ йўналишини белгилаши мумкин эмас. Эҳтиёж фақат фаолият предмети сифатида ўзининг аниқ таърифини топади, у фаолиятда ўзини топиши лозим. Мадомики, эҳтиёж предмети ўзининг аниқ таърифини топар экан, худди шу предмет фаолият мотивига айланади ва хоҳишни уйғотади” [9].

А.Н.Леонтьев ўзининг бу мулоҳазаси билан мотивни субъектив доирадан инсонни ўраб турган предметлар доирасига киритишга ҳаракат қилган. Бу нуқтаи назар ҳам мотивнинг аниқ таърифини очиб бера олмайди, чунки А.Н.Леонтьевнинг фикрига кўра, мотив нафақат субъектда акс этган, балки эҳтиёж билан боғлиқ бўлган зарурий предмет ҳисобланади.

Биз бу фикрни С.Л.Рубинштейнда ҳам кўришимиз мумкин ва у мотивацияни ички шароит билан ташқи шароитнинг боғлиқлиги билан ифодалайди. У мотивацияни «одамларнинг ҳаракатини ва фаолиятини «бахт»га (лаззат ва бошқалар) интилиш сифатидаги хоҳиш билан (мотив) белгиламайди, балки уларнинг фаолияти натижалари ва хоҳишлари орасидаги ўзаро нисбат уларнинг ҳаётдан оладиган «бахтини» белгилаб беради» [10].

Бошқа бир қатор тадқиқотчилар ҳам бу борада шунга яқин нуқтаи назарни билдирадилар (А.А.Степанов, Ю.Ю.Палайма).

Агар мотив тушунчасининг моҳиятига нисбатан билдирилган барча фикрлар чуқурроқ таҳлил қилинса, учинчи йўналиш тарафдорлари бу ҳодисани тушунишда диалектик материализм нуқтаи назаридан келиб чиқиб фикр билдирганликларини сезиш мумкин. Улар одамларнинг фаолияти,

хатти-ҳара-катларининг хоҳиши ва мотивацион асоси ҳақидаги саволга жавобни ички ва ташқи омилларни бир-бирига қарши қўйиш ва ажратишда эмас, балки диалектик бирликда деб биладилар.

В.А.Демин инсон ҳаётида ва унинг фаолияти мотиви сифатида юзага чиқадиган нарсани очиб беришда катта хизмат қилади. У С.Л.Рубинштейн, А.А.Степанов ва бошқаларнинг фикрларини нафақат тўлдиради ва шакллантиради, балки уларни конкретлаштиради. В.А.Демин мотивация таҳлилига ахборот жараёнлари нуқтаи назаридан ёндашади, чунки у одамларнинг ҳаётий фаолияти асосини ахборотни қабул қилиш, қайта ишлаш, сақлаш ва узатиш ташкил қилади деб тушунади.

«Субъект ва объект» ўзининг классик схемаси бўйича таҳлил килинганда тажрибага асосланмасдан схемадаги уни ташкил этувчи аъзолардан бири чиқариб ташланса, мотив тушунчасини аниқлашга бўлган барча ҳаракатлар беҳуда кетади. Мотив-бу субъект ва объект ўртасида ўрнатиладиган алоқа асосида намоён бўладиган ҳолатдир. Шу билан бирга, бу алоқаларнинг муҳим хусусиятлари шундаки, улар фаолиятнинг у ёки бу шаклига тегишли бўлиб, субъект учун мазмуний характер касб этади, яъни улар субъект учун ахборот берувчи алоқа сифатида хизмат қилади, деб айтиш мумкин бўлади. В.А.Деминнинг фикрига кўра, мотив жами субъект ва объектнинг ахборот алоқалари сифатида субъектни воқеликка бўлган фаол муносабатларининг фалсафий характерини ташкил қилади, шу сабабли ҳам уни махсус изоҳ ва аниқлаштиришсиз тушуниш қийин бўлади.

Дарҳақиқат, ҳар қандай инсон ахборот жараёнлари орқали атроф олам билан боғланади. Бироқ бу алоқаларнинг барчаси ҳам индивид учун аҳамиятли эмас. Улар қачон шундай аҳамиятга эга бўлади? Қачонки улар субъектнинг эҳтиёжига, унинг қониқиш олиш предметига ва энг муҳими, унинг имкониятларига (соғлиғи, жисмоний сифатлари, малака, кўникма ва бошқалар) боғлиқ бўлганда муҳим аҳамият касб этади. Инсон учун эҳтиёж одатий ҳол, лекин улар ҳар доим фаолиятга замин бўлиб хизмат қилади. Мотив эса субъектнинг ўз эҳтиёжларидаги имкониятлари ва муайян фаолият хусусиятларининг боғланишлари асосида юзага келади. Ушбу боғланишлар натижасида у ёки бу мотивацион кўрсатма шаклланади.

Юқоридаги фикрларга спорт фаолиятдан қуйидаги мисолни келтириш ўринли бўлади. Спортнинг жамоавий турида бу ҳодисани яққол кўриш мумкин. Кўпинча ўйин олдидан (асосан рақиб жамоа кучли бўлса) мураббий жамоанинг жанговор ҳолатини (кайфиятини) кўтариш мақсадида жамоадаги мотивни кучайтириш учун суҳбат ўтказишади. Бироқ бу тадбирни ўз ишини яхши, чуқур билган ҳолда ўтказиш жуда муҳим, лекин шуни ҳам тушуниш керакки, мотивнинг юзага келиши учрашув жараёнида юз беради ва шаклланади. Худди шу жараёнда спортчининг имкониятлари ва эҳтиёжининг ўзаро бир-бири билан боғлиқлиги тўлиқ намоён бўлади, яъни у ёки бу мотив юзага чиқади. Бир вазиятда жамоанинг кучига куч қўшилганини ва мўъжиза кўрсатганига гувоҳ бўлсак, бошқа бир ҳолатда эса биринчи ҳолатнинг тескарисини, яъни жамоа ўйинининг барбод бўлганини кўриш мумкин. Мотивнинг юзага келиш жараёни динамик ҳолатда бўлиб, у субъект билан объект

алоқалари асосида кечади ва фаолият орқали спортчини атрофдаги воқелик билан бирлаштиради ва унинг характерини ҳамда фаоллигини белгилаб беради.

Шу ўринда икки «фаолият мотивацияси» ва «ҳаракат мотиви» тушунчалари ҳақида тўхталиб ўтиш лозим. Бу икки тушунчада психологик механизмларнинг умумийлигига қарамасдан, инсон фаоллигини юзага чиқарувчи ҳолатларнинг орасида бирмунча фарқ бор. Мотивация фаолиятнинг кенг даражадаги «пружинаси» ҳисобланиб, у спортчининг узоқ йиллар давомида бир спорт тури билан шуғулланиб, юқори натижаларга эришишида барча қийинчиликларга чидашига туртки беради. И.А.Джидарьяннинг фикрига кўра «Инсоннинг ҳар қандай фаолияти унинг бирор бир ҳаракатни амалга ошириши учун ўз олдига қўйган зарурий талаблари ички муҳитни ўзгарувчан шароитларида аниқ акс этиши натижасида аниқланади ва фаолият субъекти сифатида шахсни ўзининг ички интилишлари ва психологик имкониятлари натижасида ўзгартиради. Мотивация шахснинг ҳатти-ҳаракати ички ва ташқи омиллари ўзаро бир-бири билан боғлиқлигининг мураккаб механизми бўлиб, фаолиятнинг туғилиши, йўналиши ва шу билан биргаликда унинг амалга оширишнинг аниқ шакллари ва усуллари сифатида юзага чиқади» [8].

И.А.Джидарьяннинг фикрига кўра «спорт фаолиятининг мотивацияси» тушунчасига қуйидагича изоҳ бериш мумкин: «Мотивация-бу спортчи шахсининг ўзига хос ҳолати бўлиб, у ўзининг эҳтиёж ва имкониятларини спорт фаолияти предмети билан ўзаро боғлиқлигини таъминлаши натижасида ўша вақтдаги спорт натижасини юқори даражасига эришиш мақсадини амалга ошириш асосида намоён бўлади».

Албатта, бу таъриф мотивация тушунчаси тўғрисидаги яқуний хулоса эмас, унинг моҳияти спортчини юқори спорт натижасига интилишига нима туртки беришининг сабаби тўғрисида спорт мутахассисларига йўлланма бериш билан изоҳланади.

Мотивлар мотивация феноменини тушунишда алоҳида аҳамиятга эга ҳисобланади, гарчи одамлар буни англамасаларда, лекин чуқур хавотирландилар. Мотивация ҳолати доимо маълум ҳиссий маънога эга бўлади. Субъектнинг эҳтиёжи, унинг имкониятлари ўзининг маълум бир фаолияти талабларига мос келса, унда шу фаолият предметини эгаллаш туйғуси намоён бўлади. Спортда бу ҳолат спортчининг маълум спорт натижасига эришишини англаб етишида кўринади.

Шу билан биргаликда фаолият алоҳида ҳаракатлардан ташкил топади. Масалан, курашчининг фаолияти ўзида хужум ва ҳимоя ҳаракатларини, мусобақа кураши каби бошқа ҳаракатларни амалга оширишида унинг мотиви асосий вазифани бажаради. Мотив ва мотивация субъект ва объектнинг алоқаси асосида юзага чиқади, лекин бу алоқалар жуда қисқа йўналишга эга бўлиши мумкин. И.А.Джидарьян бу ҳақда шундай фикр билдиради: «Мотивациядан фарқли ўлароқ, мотив унча катта аҳамиятга эга эмас. Унда аслида психологик мазмун, аниқроқ қилиб айтганда, бутун ҳаракатда мотивация жараёни айланаётган ички ҳолат қайд этилади. Мотив - бу шахснинг ички

ҳолати бўлиб, керакли пайтда унинг ҳаракатларини кераклича йўналтиради ва кучлантиради” [8].

Бошқача қилиб айтганда, мотив етакчи эҳтиёжларнинг ўзаро нисбатини аниқлаш базасида фаолият предметининг ўзида эмас, балки уни бирлаштириб турадиган бирлигида намоён бўлади. Фаолият предмети доимо алоҳида қисм, элементлардан ташкил топган бўлиб, уларсиз якуний натижа бўлиши мумкин эмас. Масалан, спортда олдинги мусобақаларда ғалаба қозонмасдан туриб, финал ўйинида ғалаба қозониб бўлмайди. Шунинг учун финал ўйинидаги натижа олдин кўрсатилган натижалар билан тўлдирилади. Мотивациянинг шаклланиш жараёни бироз мураккаб, чунки у фаолият предметига кирувчи субъект-объектнинг алоқасини ва бутун комплексини қамраб олади. Лекин шуни унутмаслик лозимки, мотивация ва мотив ўзаро боғланган психик категория ҳисобланади.

Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, “мотив” ва “мақсад” тушунчалари ўртасидаги фарқ ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Чунки мотивлар онгли бошқарилмайди, бу вақтда эса мақсад онгли равишда бошқарилади. Бу хусусда А.Н. Леонтьев қуйидаги фикрни билдиради: “...мотивларни онгли мақсад ва ниятлардан ажрата олиш керак, мотивлар “мақсад ортида туради” ва мақсадга эришишга туртки бўлади”[9]. Бу тушунчанинг муҳимлиги шундаки, мураббий ўзининг амалий фаолиятида спортчидаги барқарор мақсадли кўрсатмани шакллантиришга катта куч сарфлайди. Бу вазифани муваффақиятли амалга ошириш учун мақсадли тарбия механизмларини аниқ тасаввур қилиши лозим. Мотивация вазият, ҳолат сифатида юзага чиқади, бунда эса мақсад шаклланади, агар мураббий ўз ўқувчисининг мотивация хусусиятларини яхши билмаса, шогирдида барқарор мақсадли кўрсатмани шакллантиришда қийинчиликка дуч келади.

### **Адабиётлар рўйхати**

1. Abdurasulov R.A. Interests and motivations of students in oriental wrestling and boxing. Progressive Academic Publishing EJPR. Vol.4 No.2, 2017. European Journal of Psychological Research (EJPR): Accepted Papers. -Б.11-18.

2. Abdurasulov R.A., R.Egamberdiev. The individuals of the uzbek wrestling educator psychological transmission for facility. European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences. Vol. 6 No.3, 2018 ISSN 2056-5852. Accepted Papers. -Б.1-6.

3. Abdurasulov R.A. Interests and motivations of students in oriental wrestling and boxing. Progressive Academic Publishing EJPR. Vol.4 No.2, 2017. European Journal of Psychological Research (EJPR): Accepted Papers. -Б.11-18.

4. Абдурасулов Р.А. Ўқувчилар характерининг баъзи бир чизгилари ва типологик хусусиятлари. //Мақтаб ва ҳаёт. 2003.2. -Б.24-25.

5. Абдурасулов Р.А. Ўқувчи спортчиларнинг индивидуал ва шахсий хусусиятлари. //Мақтаб ва ҳаёт. 2003. 3. -Б.17-18.

6. Абдурасулов Р.А. Интересы учащихся к занятиям восточными единоборствами и боксом. Юбилейная международная научно-практическая конференция. Сборник материалов. Самара. 2008. - С.46-48.

7. Абдурасулов Р.А. Мотивы учащихся-спортсменов в спортивной деятельности. Юбилейная международная научно-практическая конференция. Сборник материалов. Самара. 2008. - С.226-229.

8. Джидарьян И.А. О месте потребностей, эмоций и чувств в мотивации личности. Теоретические проблемы психологии личности. - М.: Наука. 1974. 168с.

9. Леонтьев А.Н. Потребность, мотивы, эмоции. - М.: МГУ. 1971.

10. Рубинштейн С.Л. Основы общей психологии. В 2-х томах. - М.: Педагогика. 1989.

11. Маджидов, Д. Б., & Шарофиддинов, А. (2017). Социальный интеллект как совокупность способностей, обеспечивающих адаптацию личности в обществе. In *Актуальные вопросы современной психологии* (pp. 22-24).

12. Majidov, J. (2021). СПОРТДАГИ МУЛОҚОТ ИЖТИМОЙ ПСИХОЛОГИК ҲОДИСА СИФАТИДА. *Журнал Педагогика и психологии в современном образовании*, 1(1). извлечено от <https://ppmedu.jspi.uz/index.php/ppmedu/article/view/723>

13. Majidov, J. (2021). ФУТБОЛ ЖАМОАЛАРИДА ЎЗARO МУНОСАБАТЛАР КЕЧИШИНИНГ АЙРИМ ҲУСУСИЯТЛАРИ. *Журнал Педагогика и психологии в современном образовании*, 1(1). извлечено от <https://ppmedu.jspi.uz/index.php/ppmedu/article/view/724>

14. Majidov, J. (2021). ВОПРОСЫ ГАРМОНИИ ПРЕДСТАВЛЕНИЯ МОЛОДЕЖИ О СЕМЕЙНОЙ ЖИЗНИ И УДОВЛЕТВОРЕННОСТИ СЕМЕЙНОЙ ЖИЗНЬЮ. *Журнал Педагогика и психологии в современном образовании*, 1(1). извлечено от <https://ppmedu.jspi.uz/index.php/ppmedu/article/view/1369>

15. Majidov, J. B. (2020). Some characteristics of relationships in football teams. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, 10(11), 1981-1988.

16. Majidov, J. (2021). ШАХСГА ТИЗИМЛИ ЁНДАШИШДА ҚАДРИЯТЛАРНИНГ ЎРНИ. *Журнал Педагогика и психологии в современном образовании*, (3). извлечено от <https://ppmedu.jspi.uz/index.php/ppmedu/article/view/4325>